

Сух тумани 30 ёшда



Сух тумани 30 ёшда

Сух тумани вилоятимиз миқёсида алоҳида жуғрофик аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Тўрт томони пурвиқор тоғлар билан ўралган, Қирғизистон Республикаси иҳотасида бўлган анклав туманда асосан тожик тилига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилишади. Мустақиллик шароғати ила туманда кўп ўзгаришлар, ободончилик ишлари олиб борилиб, бундай хайрли амаллар бугун ҳам ўзининг мантиқий давомини топмоқда.

27 февраль куни Сух тумани аҳолиси учун тарихий ва унутилмас сана эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. 27 февраль 1990 йил Риштон тумани тасарруфида бўлган Сух совхозига туман мақоми берилди. Бугун ушбу тарихий санага 30 йил тўлди. Туманнинг 30-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида Сух тумани ҳокими Фарруҳ Усаров ташаббуси билан Сухнинг 30-йиллик юбилейи кенг нишонланди. Тадбирда корхона-ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, туман ривожига ҳисса қўшиб фаолият олиб борган фахрийлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқтартибот органлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



Тадбир аввалида Сух тумани ҳокими Фаррух Усаров сўзга чиқиб, 27 февраль куни туманнинг ҳар бир фуқароси учун унуптилмас ва тарихий кун эканлиги, кўхна ва навқирон Сух бой тарихга эга ҳудудлардан бири эканлиги, Президентимиз эътиборлари асосида Сух кундан-кунга чирой очиб бораётгани ва бу ишларда меҳенаткаш Сух халқининг ҳиссаси улканлигини таъкидлаб ўтди. Қайд этилдики, туманнинг ташкил топиши ва унинг ривожида кўп инсонларнинг меҳнати синган. Туманнинг биринчи ҳокими, Сух фарзанди - Баҳодиржон Обиджонов ана шундай инсонларнинг биридир.



Тадбир давомида Сух туманининг биринчи ҳокими Баҳодиржон Обиджонов сўзга чиқиб, Сухнинг туман сифатида ташкил топишидаги ҳаракатлар ва тарихий воқеалар ҳақида гапирди. “Бугунги Сухнинг кўрку чиройини 30 йил олдиндаги туман сиймоси билан таққослаб бўлмайди. Чунки ушбу муддат давомида, айниқса, мустақиллик йилларида Сух туманида кўп ўзгаришлар ва янгиланишлар, асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Барча ўзгариш ва ислоҳотлар, янгиланишлар замирида бевосита Президентимиз ва Ўзбекистон Республикаси хукуматининг эътибори ва ғамхўрлиги, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси кучли бўлган меҳнаткаш халқимизнинг меҳнати мужассам. Туманни обод қилишдек эзгу ният билан фаолият олиб бораётган туман ҳокими Фаррухбек Усаров ва туманимиз меҳнаткашларининг саъи-ҳаракатларида ўлкан зафарлар тилайман” деди Баҳодиржон Обиджонов.



Туман санъаткорларининг Ватанни мадҳ этувчи қўшиқларига уланиб кетган тадбир ва янграган тароналар иштиркочилар кайфиятига янада кўтаринкилик ва ўзгача рўҳ бағишлади. Туман ҳокими Фаррух Усаровнинг ташабbusи билан ҳар йили 27 февраль санаси Сух туманининг ташкил топган куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-02 14:06:32